

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№103 (6.628). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

**ОТАНГА БОР, ОНАНГА БОР**


(1-2-саҳифаларда)

**ҲАЗРАТ ҚОСИМ ШАЙХ АВЛИЁМИДИ?**

(1-4-саҳифаларда)

**СЎНГГИ ПУШАЙМОН**

(1-4-саҳифаларда)



● Мамлакатимизда меҳмон бўлган АҚШ Куролли кучлари марказий қўмондонлиги бош қўмондони генерал Жон Абизаид Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Соҳиб Сафоев билан учрашди.

● Урганчада Хоразм вилояти агросаноат мажмуи ходимларининг бўлиб ўтган кенгашида қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантиришни тезлаштириш, фермер хўжаликларини ривожлантириш ва уларга хизмат кўрсатувчи инфратузилмаларни ташкил этиш масалалари муҳокама этилди.

● Қарши шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташаббуси билан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

● Термиз давлат университети хузуридаги академик лицей ўқувчилари янги ўқув йилини янги бинода бошлади. Шарқона мейморлик услубида қурилган замонавий ўқув корпуси, ётқоҳона ҳамда ёрдамчи биноларни вилоят ўрта махсус касб-хунар таълими боқармасига қарашли академик лицейлар қурилиши дирекцияси қурувчилари бунёд этди.

● Самарқанд давлат университетида Ядро физикасининг замонавий муаммоларига бағишланган бешинчи халқаро конференция бошланди.

● Бўстонлик туманида Марказий Осиё мамлакатларининг ёзги халқаро ёшлар лагери ўз фаолиятини бошлади. ● Жиззах вилоят ёшлар марказида шахматчилар ўртасида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати кубоги мусобақасининг финал босқичи бошланди. Уч кун давом этадиган бу беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 18 ёшгача бўлган ўғил-қизлар иштирок этмоқда.



-Мустақиллик яратган неъмат - эркин ишлаш, ўз ерингга эга бўлиш насиб этган экан, ҳамisha ҳалол бўл, заминнинг қадрига ет, ана шунда ризқинг улуг, насибонг бутун бўлади. Агар она ердан меҳрингни аямасанг, у ҳам мўл-кўл ҳосили билан сенинг меҳнатингни шарафланти, - дея ҳар куни фермер ўғли Мади Тинибековга насихат қилади сирдарёлик 90 яшар онахон Шавриган яя. СУРАТДА: Онахон фермер ўғли ва невараси билан.

Н.АЛМУРОДОВ олган сурат.

## ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНМОҚДА

**ТОШКЕНТ (ЎЗА МУХБИРИ НАЗОКАТ УСМОНОВА).** «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якуновчи босқичига тайёргарлик бошланди. Айтиш жоизки, мазкур тадбир бадиий юксак мусиқий асарлар - «Ўзбекистон - Ватаним меним» гоёсини очиб берувчи, халқимизнинг яратувчанлик меҳнатини шарафловчи, инсонларни она ерни асрашга ва унинг мустақиллигини кўз қорачигидек авайлашга даъват этувчи қўшиқлар байрами сифатида ташкил этилган. Танлов юксак савиядаги бадиий асарларга кенг йўл очиб мақсадида ўтказилмоқда.

Биз учун энг азиз ва энг улуг байрам - Мустақиллик куниди. Наврўз тантаналарида янграйдиган куй ва қўшиқларнинг яратилиш тарихига назар ташласак, уларнинг аксарияти биринчи марта Ўзбекистон қўшиқ байрамида ижро этилганига амин бўламиз. Мамлакатнинг ўзига хос сахнасига айланган мазкур байрам бизни янги асарлар билан таништириш билан бирга, қўшиқ санъати шайдоларининг қалбини забт эта оладиган ёрқин истеъодларни ҳам намойён этади.

Ўзбекистон қўшиқ байрами куй ва қўшиқ шинавандаларини уларнинг ёши ва касбидан қатъий назар байлаштиришда катта аҳамиятга эга. Бугун дала шайполларида, маданият уйларида ёки мактаб сахнасида, турли маданий тадбирларда қўшиқ куйлаётган санъат ижтимоидларининг ҳаммаси ҳам малакали ижрочи, қўшиқчи эмас. Энг муҳими - жозибали куй, нафис қўшиқ орқали инсон-

ларни меҳр-мурувват ва гўзалликка даъват этиш, маънавий қўллаб-қувватлаш, уларга яхши кайфият, қувонч ва илҳом ҳадея этишдир. Ўзбекистон қўшиқ байрамнинг якуновчи босқичида Қорақалпоғистон Республикасида, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, турли вазириклар халқ таълими, олий ва ўрта махсус таълим, маданият ишлари, муҳофаза, ички ишлар вазирикларида, бир қанча қўмиталар, идоралар ва ташкилотларда ўтказилган босқичлар голиблари иштирок этади.

Мазкур танлов низомига кўра, тақдим этилган мусиқий асарлар бешта номинацияда - мақом, фольклор асар, хор, академик ва вокал-чолғу ижро бўйича баҳоланади. Голиблар учун ўнла мукофот кўзда тутилган. Биринчи ўрин учун - битта, иккинчи ва учинчи ўринлар учун - учтадан ва учта рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланган. Бундан ташқари, алоҳида иштирокчиларни тақдирлаш учун республика «Махалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Олтин мерос», Амир Темури жамғармалари ўз совринларини таъсис этди.

Танловнинг якуновчи босқичи голиблари Халқлар дўстлиги саройида 17 августда бўлиб ўтадиган гала-концертда иштирок этадилар.

**Инсоният ўзига ардоқли, эъозли саналган нарсаларга ички бир ҳурмат, эҳтиром йла муносабатда бўлади. Жаҳонда мамлакатларнинг ўзини ва мавқеини белгилайдиган, жаҳон майдонидида мавжудлигини аниқлаш тирадиган рамзлардан бири давлат байроғидир.**

Тарихий манбаларни ўқиганимизда, байроққа эҳтиёж олис кечмишимизда туғилганини билиб оламиз.

«Қутадагу билиг» асаридида айтилишича, Ҳасан Бугро Қорахон хонлик пойтахти - Боласоғун шаҳридаги энг баланд минора устига зангори туғларни осиб қўйишни буюради. «Шоҳнома» достонларида бир темирчи она-Ватан озодлиги учун жангга отланаркан, энгидида Мен бу ҳолни халқаро беллашувларда голиб келган ватандошларимизнинг хаяжонли чоғларида кўп бор кузатганман. Тасаввур

## «ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТ»ГА ЙЎЛ ЙЎҚ!

Мамлакатимизда бозорларимизни сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, пул маблағларининг қонуний айланишини йўлга қўйиш, бир сўз билан айтганда, иқтисодий ҳавфлиликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада хўжалик юритувчи субъектларга талаб даражасида қонуний фаолият юритишлари учун талай имтиёзлар ҳам яратилмоқда.

Натижада ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларида иқтисодий ўсиш кузатиляпти. Лекин, афсуски, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳаммаси ҳам қонун доирасида фаолият кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Улар орасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар, даромадни яшириш, сотилган товарлар, ишлар, хизматлар ҳажмларини пасаитириб қўрқатиш, сохта тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш йўли билан солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатлари - «яширин иқтисодиёт»нинг шаклланишига хос аломатлар намойён бўлмоқда.

Бундай ҳолларга барҳам бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси хузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш департаменти изчил чора-тадбирларни амалга оширяпти. Солиқ ва валютага оид жиноятларни аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш борасида олиб борилган тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида икки мингта яқин жиноий ҳақида кўплаб маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолати фош этилди. Натижада бюджетга бугунги кунгача 17,7 миллиард сўм қўшимча маблағ ундиришга эришилди.


Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағлари-

нинг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги қарор ижросини таъминлаш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида ноконуний айланаётган 22,3 миллиард сўм нақд пул аниқланди. Солиққа тортиладиган базани кенгайтириш, солиқ тўловчиларни тулиқ қамраб олиш борасида олиб борилган тадбирларда эса давлат рўйхатидан ўтмасдан ароқ-вино, пахта ёғи ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган 445 та яширин цех фаолияти фош этилди.

Ақциз солиғи солинадиган кўплаб товарларнинг гайриқонуний равишда, яширин ишлаб чиқарилиши билан боғлиқ қозлаб ҳолатлар аниқлашни натижасида 243,6 миллион сўмлик маҳсулот давлат ҳисобига мусодара қилинди.

Мамлакатимиз ҳудудида турар моддий бойликларнинг ноконуний олиб келиниши ва савдога чиқарилиши барҳам бериш борасида ҳам доимий тежор тадбирлар давом эттирилмоқда. Божхона постлари ва бозорларда шу йўналишда қатъий чоралар амалга ошириляётганига қарамай, ноконуний йўллар билан товар олиб келиш ва савдо қилишни афзал қўраётганлар ҳамон камаймаяпти. Утган олти ой мобайнида бу борада олти мингдан зиёд ҳуқуқбузарлик содир этилгани фикримизнинг далилидир. Уларнинг барчасига нисбатан қонуний чоралар қўрилиб, 3,2 миллиард сўмлик товар моддий бойликлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди. Валюта операциялари билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар натижасида эса айбдорлардан 366,5 минг АҚШ доллари мусодара қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА МУХБИРИ.



## ИСТИҚЛОЛНИНГ ПОРЛОҚ РАМЗИ

Ўз Ватанига содиқ, уни ич-ичидан суйган, ор-номуси, шон-шавкати йўлида жон фидо қилишга-да тайёр киши энг ҳаяжонли дамлар, синовили лаҳзаларда Ватан номини оҳиста тилга олиб, унинг муқаддас байроғи олдида бош эгади, уни тавоф этади. Мен бу ҳолни халқаро беллашувларда голиб келган ватандошларимизнинг хаяжонли чоғларида кўп бор кузатганман. Тасаввур

Ўзбекистон байроғига ўралиб, голиблик шохсупасига кўтарилган, моҳир чанғимиз Лина Черязова олтин нишон тақиб олди. Мен юртимиз туғига бошини қўйиб йиғлаб юборганини унутиб бўладими? Демак, Ватан байроғи инсонни ҳамisha ютукларга, зафарларга чорлайверади.

Ўн икки йилдан буюн мусаффо осмонимизда тирриклик, яратувчанлик, ҳурлик рамзи бўлиб хилпиратган байроғимиз ўз ёлқинида Ўзбекистоннинг ёруғ келажагини ифода этиб турбди.

Сўзимиз бошида ватандошларимиз номини беҳиз тилга олиб утмадик. Биз ана шундай фидойи, жасур, ватанпарвар аждодларнинг ворисимиз. Ватан озодлигини, унинг рамзларини авайлаш бурчимиздир.

Жаҳонгир ХОЛИҚОВ

## АЛДАГАНИ БОЛА ЯХШИМИ?..

Болалар бизнинг келажагимиз, деймиз. Жамиятимизнинг эртаси, давлатимизнинг кудрати, энг асосийси, улар бизнинг давомчиларимиз. Шунинг учун ёшларни тарбиялашда уларнинг қалбига, руҳиятига фақат эзгулик ва яхшиликларни сингдиришимиз даркор.

Уларнинг иймон-эътиқодини мустаҳкамлашда, қонунбузарлик, қаллоблик, ёлғончилик, субустизлик каби иллатлардан холи қилиб тарбиялашда, авваломбор, уларга ўзимиз, яъни биз катталар ўрнак бўлишимиз керак.

Лекин афсуски, биз буни доим ҳам эплаёلمайтиримиз. Уларнинг мурғак қалбига билиб туриб ишончсизлик уруғларини ташлаб, дилини жароҳатлаб қўяётимиз.

Шу ўринда тахририятга Жиззах вилояти Таассуф Бахмал туманидаги 44-ўрта мактабнинг 160 нафар ўқувчиси имзоси билан йўлланган шикоят мактубидан бир парча келтирсак:

«Биз ўтган йили 13 октябрдан 11 ноябргача Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» фермерлар уюшмасига (ҳозирда «Ўзбекистон» агромаркази бўлган - А.К.) пахта теримиغا сафарбар этилдик. Сассиқ дорихона (кимёвий ва минерал ўғитлар сакланадиган омборхона) ҳамда ифлос биноларга жойлаштиришди. Кўп азоб-уқубат билан меҳнат қилдик. Лекин қимлардир гирромлик қилишди. Терган пахтамининг ҳақини ҳанузгача беришмади. Яъни катталар «Ош ўзингдан, нон ўзингдан, ишла кўзингдан!» қабилдада йўл тутишди.

Биз пахта терган «Ўзбекистон» фермерлар уюшмасидаги «Т.Оқунова» фермер хўжалигининг 93962 сўм, «Жаҳон» фермер хўжалигининг 39552 сўм, «Гулбаргитор» фермер хўжалигининг 79352 сўм, «Туркистон» деҳқон-фермер хўжалигининг 183644 сўм, «Х.Йўлдош» деҳқон-фермер хўжалигининг 272748 сўм ва «Ойбек» деҳқон-фермер хўжалигининг 12000 сўм қарзи бор. Мана, орадан етти ой ўтди, лекин ҳалигача ҳақимизни ололганимиз йўқ».

(Давоми 2-бетда)

## МАВЗУ

**-Юқори навли галла уруғи авлоди эскирган донга нисбатан 20-30 фоиз кўп ҳосил беради, - дейди Нурота туман давлат уруғчилиги назорати хизматининг бошлиғи Асат Ражабов.**

«Ўзбекистон» ширкат хўжалиги ҳам Навоий вилояти ҳокимининг қарорига асосан

ча, лалми галла уруғчилигининг кейинги йилларда сусайишининг учта сабаби бор. Биринчиси, табиатнинг қурғоқчи келиши натижасида эскилган галладан кам ҳосил олинди, уни уруғликка қолдирмасдан давлат режасига топшириб юборишди. Иккинчидан, лалми галла экишни оби-тобида ўтказиш учун иш

## ЛАЛМИ ГАЛЛА УРУҒЧИЛИГИ:

### МИҚДОР, СИФАТ, МУАММО

уруғчилик хўжалигига айлан-тирилган.

Бу йил «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги 200 тоннадан зиёд, «Кизилча» ширкат хўжалиги «Кизил шаршара» навли бугдойдан 150 тонна, «Нурота» ширкат хўжалиги 450 тонна уруғлик жамғаради. Бироқ бу билан туманнинг юқори сифатли лалми галла уруғига бўлган талаби қондирилмайди.

Мутахассисларнинг фикри-

унуми юқори бўлган техникалар етарли эмас. Учунчидан, республикамизнинг Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида лалми уруғчилиги эътибор катта. Лекин бу ҳудудлардан олинган уруғ ҳам тўғридан-тўғри Нурота шариоитида экишга мос келмайди. Чунки Нуротада юқоридаги вилоятлардагига нисбатан ҳам қурғоқчиликка чидамани уруғ талаб этилади.

(Давоми 3-бетда)

## КАРМАНАДАГИ КАРОМАТ

Эндигина бир мучални қарши олган бола эдим. Нима бўлди-ю, ўша йиллари нон бироз танқис бўлиб қолди. Мусибатларни бошдан кечирган катталар бир қадар тавишга тушиб қолдилар. Ҳар ер - ҳар ерда қаровсиз ташлаб қўйилган тегиримонлар қайтадан ишга туширилди бошланди.

Отам ўша пайтлар жамоа хўжалигига қарашли хўжаликнинг собиқ раиси, марҳум Тиловов ташаббуси ва бевосита ташкилотчилиги билан барпо этилган катта қорбоғда богбонлик қиларди. Оилада энг катта фарзанд мен эдим, яна уч нафар укам бор эди. Эри урушдан қайтмаган амман ҳам биз билан яшарди. Хуллас, етти жон эдик. Онам тонг сахарда сигирини соғиб, биз учун ширной тайёрлардилару, ўзлариди Кармана лардилару, ўзлариди отлариди.

Кузининг бошлари эканми, халили узумлар пишиб, қора шивиргони хол ташлай бошлаганди. Отам қаердандир амаллаб топиб келган икки пуд чамасидаги бугдойни халтага солиб, эшаққа юкдилару ва менга тегиримонга элтиб, тортиб келишни буюрдилар. Тегиримонга қайси йўл билан бориш, тегиримонча нима дейиш кераклигини обдон ўқтириб, ёнимга эндигина 3-синфда ўқийдиган укамни ҳам қўшдилар.

Худди шу пайтларда қурилиш жадал бораётган Навоий ГРЭС ига сув етказиб берадиган янги ўзан очилиб, кўприк қуришга кизгин таралдув қўриляётган экан. Янги ўзанининг ҳозирги кўприги ўрни шу қадар қазилган эдики, тиззагача кум оқиб ётган бу баҳайбат жарликдан эшақда ўтгунча ит азобини кўргандим ўшанда.

(Давоми 4-бетда)

## КЕЛГУСИ СОНДА:

## «КАМБАРНИНГ ОЛТИН СОЗИ»

## ПУЛНИНГ РАНГИ ҚАНАҚА?

## ЧЕМПИОНЛАР - ФАХРИМИЗ



ЭГРИ ЙЎЛ...

-Тақдир тақозоси билан кундан-кунга камбағаллаша бордим. - дея бошидан ўтганларини ҳикоя қилади Фани ака. - Қора қозон деярли қайнамай қўйди. Хотиним ҳам, болаларим ҳам мендан норози. Оилада ҳар кун жанжал. Кечagina маҳаллада бўладиган тўйларнинг турда ўтирадиган мендек одамни бугун маъракаларга ҳам айтишни "унута" бошлашди. Қариндош-уруғ ҳам мени кўрса кўрмасликка олар, баъзи-жамшидларига чакирмас эди. Айбим - камбағаллигим.

"СЕН ОБУНА БЎЛМАГАНСАН..."

Чойхонада ўтириб олиб, Акмал почтачи гурунг бераяпти. Ҳаммагани қулгоги олдига. -Бу воқеага ҳам йилгирма йилча бўлиб қолди-ёв, - ҳикоясини бошлайди бобо. - Кўшим Азизнинг наشاءандлигини яхши билсанлар. Ярамак ўзининг ҳовлиси қилиб, томоққанининг чека қисмига менга билдирмай 5 туп бағнаша экиб, парвариллабди. Наша тупларининг бўйи 1 метрга етиб қолдию мени нотовон ҳеч нарсани сезмаётган ҳам. Бозор кучи эди. Кампирим тўшмагур бозорга кетган. Ҳову бўйида ухлаб ётганим, бирор туртади. Турдим. Карасам, иккита мелиса турибди. Узимга келиб улгурмай, жуссасидан ит ҳурқадиган бақалоги бақира кетди: -Оппоқ соқол қўйгунча, ҳалол яшашга ўргансангиз бўлмайди-ми, чол? -Арпангни тоқ ўрдимми, нега бақирасан? - дедим аччигим чиқиб. Бу гапдан тўхтайиб кетган мелиса ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ қўлидан маҳкам тутиб, дала бошига судради мени. Борди. -Мана бу нима? - сўрайди у. -Билмайман. -Сиз билсангангиз, мен биланам. Бу - наша, - деди у. - Энди 10-15 йил "ўтирасиз" маза қилиб... Қўриб кетдим, қариган чоғда қамқоқда ўтиришдан ҳам унинг исоди мени чўчитди. Ялиндим, ёлвордим. Хуллас, қамалмайдиган бўлдим. Эвазига бурдоқига боқиб ўтирган молимни Жума бозорига олиб бориб сотиб, пулни берадиган бўлдим. Мелисалар кетиши билан кампирим келиб қолди. Дардимни айтдим. -Ордона қолсин, мелисаси, - деди у гўёки ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир. - Мол сотилмади. -Нима, мени тириклай гўрга ситилмади-ми? - дедим ҳовлиқиб. -Йўлини топаман, - дея кампир уйга кириб кетди-да, 10 дақиқа ўтар-ўтмас қулгоғимга шивирлади. -Ақилнга қойилман, кампир, - деб юбордим суюнганимдан ва берилган маслаҳатга амал қилиб, ишга киришдим. Орадан беш кун "лип" этиб ўти-кетди. Эшагимга миниб, хуржунга газет, журнални солиб, мелиса идораси томон йўл олдим. Шартга қура идора атрофида мелисалар мени кутиб туриши, газета сурashi, қаминча эса мана обунангиз, дея газеталарга ўралган молнинг пулини бериб кетишим керак эди. Манзилга етиб қолдим. 5-6 нафар мелиса кўриди. -Почтани бобо, - деди мени "қўлга туширган" мелиса уларнинг орасидан чиқиб, - газета ўқийлик. Тўхтадим ва унга қараганча, кампирим ўргатиб қўйган гапни айтдим: -Сен газитга обуна бўлмагансан. Бу сўздан хангу-манг бўлиб қолган мелисага азиз ҳам қилмай, эшагимни ниқтадим. -Охири нима бўлди? - сабрим чидамай қолнинг гапни бўлдим. -Нима бўлди, - қувлик билан қолди чол. - Мелисалар уйимга борибди. Узлари наша топанга қолди шолғом икки қулқ бўлиб ўсиб ётганини кўрган, кампиримнинг қарғишини зўр-зўрота, ортларига қайтишибди.

Фахриддин КАЛОНОВ

КАРТОШКА ЭКМАЙДИГАН БЎЛДИ

-Шухрат очик кўнгил, содда йигиту ҳеч дехқончиликнинг хавосини ололмади-ололмади-да, - дея эслайди ҳамқишлоғи Тиломурод ака. - Яқинда кўчиб келган қўшини Шодмон ҳам қарамадан бўла ҳосил қўтарди. Фойдасига ситир олди. Шухрат мўл экан уругини чиқаролмай боши гаранг... Бу йил ҳаракатини эрта қилди у. Майдонни тўлдириб қарам экиди. Тўғри-да, уруғ арзон. Мехнати қамроқ... Лекин ҳадеганда, қарам униб чиқармас эди. Ичи "тарс" ёрилгудай бўлган Шухрат эгатиғин устидан плёнка ёғди. Хуллас, бир амаллаб кўкартириб олди. Лекин Шодмоннинг картошкаларига гўлга ўтирганини кўриб, оёғи қўйган товуқдай тирпичлаб қолди. Тилида бир гап айрилган-айланган: "Нимига Шодмоннинг дехқончилиги яхши бўлади меникининг барори йўқ?". Кўп ўйлади. Бир пайт "Баъки, ер қучқисидир", деган фикр хаёлига келди. Шундан кейин ернинг ўйига тўлдирди. Қўлган ишидан қўлиги хотиржам бўлиб, "Эндилик бўлмай қўриш-чи?!", дея ўйлади у. Аммо қарамлар ҳосил ўраш ўрнига қўчи бўйга берди шекилли, ичига кирган қишқини қўриб тополмайсан. Қўча бўлганим, ҳамон ўша қўм-қўж барг. Ахир, Шухрат не-не ниятлар билан экилган "қарам беда"ни алам билан ўриб ташлади ва қўшинига ёрлиди: -Бу йил картошка эксамми, деб турибман... Менгайм йўл-йўриқларини тушунтирсангиз дегандин... -Картошқадан эфр ҳосил олишининг йўли битта, - гап бошлади Шодмон, - гўлга ўтирган пайти хўжаларни тўлдириб товуқ гўнгидан солсангиз устидан битта сўз берасиз, вассалом. Шодмон айтган вақт ҳам келди. Картошқанинг олди гуллаб бошлади. Шухрат қишлоғи яқинидаги товуқ фермасига бориб, теллежга-теллеж гўнғ олиб келди. Жўяларга қўшини айтганидан-да ортқ солиб, кечи билан сўз қўйди. Ширин хавллар оғушида ўйкуга кетди. Фотасига ширин озулар билан даласига чиқди. Аммо не кўз билан кўрсинки, картошкалар сўйланган ерга ёпишиб қолганди. Шухрат бундай аянчи манзара қаршисида саррайиб қотиб қолди...

Саид РАҲМОНОВ

Анча бўлди: пойтахтимизнинг сўлим хибобларидан бирда оппоқ соқоли Узинга ярашган, нуруний бир отахон набирасини айлантириб юрарди. Бир нарсани илғаб қолдим: отахон беш-олти ёшли набираси билан русчаллаб гаплашарди. Таажубим орти. Тарки адаб бўлса-да, отахондан бу хусусда икки оғизгина сўрашга журъат этдим.

-Отахон, минг бор узр, - дедим салом-алиқдан сўнг, - неварангиз ўзбекча билмайдими? Мўйсифид саволимдан қулиб қўя қолди: -Икки ёшидан боғчага рус гуруҳига берганми. Ўзбекчани яхши тушунмади. Ҳаммамиз у билан русча гаплашамиз... Узингиз биласиз-ку, бола! Рус тилини билган одам доғда қолмайди.

Отахоннинг гаплари мени ўйлантириб қўйди. Эътироз билдирай десам, буваам тенги қария.

ТИЛ ВА ДИЛ

Ақл ўргатапти, демасмикан? Тўғри, рус тили - дунёда кенг тарқалган тиллардан бири. Бироқ ҳар бир киши, энг аввало, ўз она тилини мукамал билмоғи, унга ҳурмат билан қарамоғи лозим эмасми? Ичимдаги гап ичимда қолди.

Кўни кеча яна бир воқеа сабаб, хиббондаги ўша сўбат ёдимга тушди. Автобусда Самарқандга кетаётганим. Орқа томондаги ўриқидика кетаётган йигит ва қизнинг хорижий тилдаги сўбати қулгоғимга қалди. Улар французча гаплашганларни қўя турайлик. Ҳозир ҳам фарзанди рус боғчада тарбияланганини, русча мактабда ўқитишни истайдиганлар омузчанми? Ҳўп, "рус тили, инглиз тили ҳамма жойда керак" бўлиши ўз-ўзидан равшан. Бироқ, бу тилларни она тилимизни йўқотиб қўйиш эвазига ўрганиш бизга манфаатдан кўра қўпроқ иккирози оғиб келмасмикан?

МУЛОҲАЗА

Тилини билгани ҳолда ўзбекчадан оқсашларини кўриб, ачинаб кетасиз. Сабаби аён. Улар Европа табиатидаги зиёли оилада туғилишган. Боғчада ҳам, мактабда ҳам русча тарбия олишган. Ниҳоят, университетнинг ҳам рус гуруҳига ўқишга киришган. Натига эса ўз-ўзидан маълум. 15-20 йил русча таҳсил олган йигит ёки қиздан яна нима талаб қилиш мумкин? Айб уларданми кўра қўпроқ иккирози оғиб келмасмикан?

"Буюк оғаларимиз"га ҳаддан ортқ эътиمود қўйган уларнинг ота-оналаридими? Майли, шўро даврида туғилиб, ақлини таниганларни қўя турайлик. Ҳозир ҳам фарзанди рус боғчада тарбияланганини, русча мактабда ўқитишни истайдиганлар омузчанми? Ҳўп, "рус тили, инглиз тили ҳамма жойда керак" бўлиши ўз-ўзидан равшан. Бироқ, бу тилларни она тилимизни йўқотиб қўйиш эвазига ўрганиш бизга манфаатдан кўра қўпроқ иккирози оғиб келмасмикан?

Ўзбекчани қаредан ўргатсангиз? Йигит фарангларга хос илтифот билан жимгайди ва бироз қиналиб бўлса-да, оз-оз русча ва французча аралаштириб, фикрини тушунтира кетди. Маълум бўлишича, йигит ёшидаги киз билан Испаниянинг Барселона университетидега ўқинчаркан. Эаги таълини ўзбекистонда ўқатганига ақ қилишибди. Бўёқ келишдан бирикчи ойна илгари тегишли ташкилотлар орқали керакли адабиётларни топиб, ўзбекчани ўргана бошлашибди. Қисқа фурсатда қудалик истеъмолга керак бўладиган сўзларни ёд олишибди. Бир-икки ҳафтадан буюн ўзбекистонда юрaverиб, тиллари ҳам сал-пал келишиб қолган қўриқчанди.

Киз ҳам бинойидек гаплашаркан. Улар ўзларининг муомаласи, қувноқлиги, самимийлиги билан бирпасда автобусдаги кўнчилик йўловчиларнинг эътиборини ўзларига қаратиб олишди. Қаминча гўвоқ бўлган бу икки манзара сиз учун ҳам бегона эмас. Ўзбек бўла туриб, болагини раван русча тарбия топган, ўзбек тилида салом-алиқни ҳам тузуқроқ ёлломаятидан юртдошларимизга, тилимизга, маданиятимизга, тарихимизга астойдил қизиқадиган хорижликларни кўп қўрганми, эшитганими. Лекин бир нарсани кишини ўйга толдиради: Олис Америка ёхуд Франциядан бизнинг маданиятимизга қизиқиб келишсаю, биз кўр-кўрона гарбга тақлидан юриш-туришига илтилас, хорижликлар бизнинг тилимизни, адабиётимизни тадқиқ этишга бел боғлашсаю, биз ўз она тилимизга эътиборсизлик билан қарасак... Четдан қараганда, одамга жудаям гапоти туюларкан.

Киз ҳам бинойидек гаплашаркан. Улар ўзларининг муомаласи, қувноқлиги, самимийлиги билан бирпасда автобусдаги кўнчилик йўловчиларнинг эътиборини ўзларига қаратиб олишди. Қаминча гўвоқ бўлган бу икки манзара сиз учун ҳам бегона эмас. Ўзбек бўла туриб, болагини раван русча тарбия топган, ўзбек тилида салом-алиқни ҳам тузуқроқ ёлломаятидан юртдошларимизга, тилимизга, маданиятимизга, тарихимизга астойдил қизиқадиган хорижликларни кўп қўрганми, эшитганими. Лекин бир нарсани кишини ўйга толдиради: Олис Америка ёхуд Франциядан бизнинг маданиятимизга қизиқиб келишсаю, биз кўр-кўрона гарбга тақлидан юриш-туришига илтилас, хорижликлар бизнинг тилимизни, адабиётимизни тадқиқ этишга бел боғлашсаю, биз ўз она тилимизга эътиборсизлик билан қарасак... Четдан қараганда, одамга жудаям гапоти туюларкан.

Рустам ЖАБОРОВ

ҚИСКА САТРЛАРДА

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ. Узун тумани Янги шаҳар қишлоғида Ўзбекистон - Туркия ҳамкорлигида "Узун-Камрон" қўшма корхонаси бунёд этилмоқда.

Устав жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг бўлган мазкур корхонада яқин пайтда технологик жиҳоз ва дастгоҳлар ўрнатиш ишлари амалга оширилмоқда. "Феруз-Сабо" кўп тармоқли хусусий фирмаси ташаббуси билан ташкил этилаётган мазкур корхона ишга тушган, бу ерда ун маҳсулотлари, озиқ-овқат ҳамда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарила бошлайди.

С.МАДАТОВ

ЯНГИ МАРКАЗ

Нукус шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қорақалпоғистонлик истеъмолчиларга таништириш ва уларни сотиб олишга қулайлик туғдириш мақсадида халқ истеъмоли моллари маркази янги бошлади. Марказ павильонларига "Файз ҳолдинг", "Ўзбексавдо", "Ўзбекнеғилсаноат", "Ўзбек ипаги", "Ўзбек пайбазали", "Ўзбексавдо", "Ўзбекбирлашув" компаниялари ва маҳаллий корхоналарнинг маҳсулотлари қўйилган.

А.САМАДОВ

БЎЗАТОВДА ҚЎШМА КОРХОНА

Бўзатов туманида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, табиёт саноатида қатта аҳамиятга эга бўлган ўсимлик - бўён томирини тайёрлаш, ёғочни қайта ишлаш, шунингдек, овчилик хўжалигини тўғри ташкил этиш билан шуғулланувчи "Чесон" қўшма корхонаси янги бошлади. Ҳамкорлик натижасида ташкил этилган мазкур қўшма корхонанинг Низом жамғармаси 160 минг АҚШ долларига тенг.


И.РУСТАМОВ

СПОРТ МАЖМУАСИ ИШ БОШЛАДИ

Қосонсой туманидаги Чиндогол қишлоғи марказида янги спорт мажмуаси бунёд этилди. Мажмуада спортнинг каратэ, бокс, өнги атлетика, таэквандо, миллий кураш, шохмат, шашка, стол тенниси, волейбол каби спорт турлари бўйича машғулотлар ўтказиш учун барча шaroitлар яратилган.

Нодирбек ЧИНАЛИЕВ, Қосонсой тумани

Тан олиш керак, мамлакатимиз йил сайин жаҳонга юз тутиб бораётган бир даврда рус, инглиз, немис, француз каби жаҳон тилларини пухта ўрганишни ваъзятнинг ўзи тақозо этаётди. Дунё тамаддунига муносиб улаш қўшган Абу Райхон Беруний, Мирзо Улуғбек каби алломалар ҳам ўз даврида она тили билан бирга арабий, форсий тилларни мукамал билгани, шу тилларда ижод қилиб, бебаҳо сарвар яратганини яхши биламиз. Ўтган аср бошларида хивалик маърифатарвар шoir Аваз Ўтар: Ҳар тили билув энди баний одама жондур Тил воситаси робитаи оламёнёндур, -деганида минг қарра ҳақ эди. Бугунги кунда қўллаб ёшларимиз қатор Шарқ ва Ғарб тилларини сўвдек ичаётгани, хорижий юртларнинг нуфузли таълим даргоҳларида таҳсил олаётганлари барчамизни қувонтиради. Лекин айрим йигит қизларимиз ун-тўртталаб чет



Кўргонтепа туманида фермер Алижон Аҳмедов ташаббуси билан сутни қайта ишлаш цехи ташкил топди. Айна пайтда цехда 7 турдаги маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Бир йилда эса 110 тонна сут маҳсулотини қайта ишляниб, истеъмолчиларга етказиб берилаяпти.

СУРАТЛАРДА: 1. Фотима Эркабоева қадоклаш цехида. 2. Шерзод Аҳмедов пишлоқ тайёрлаш ускунасини бошқармоқда. Б.АКРАМОВ олган суратлар.

ТОШКЕНТ. /Уза муҳбири В.Драчёв/. «Орузу пластик» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси буюртмачиларнинг турли эҳтиёжларига қараб полиэтилен, полиуретандан пакетлар, турли ҳажмдаги буюмлар ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Корхонада юқори сифатли ўнлаб турдаги маҳсулот тайёрланади.

«ОРЗУ ПЛАСТИК»НИНГ ИСТИҚБОЛИ

Мамлакатимиз мустақиллигининг 12 йиллиги арафасида бу ерда полиэтилен тара ишлаб чиқариш учун тўқтинта янги дастгоҳ ўрнатилди. Фирма замонавий ускунада ҳар ойда турли товар ва маҳсулотларни қадоклаш учун ўн тоннагача опқа ҳамда қалин пакетлар, қоплар ишлаб чиқаради. Бу пакет ва қопларнинг сизими ўн грамдан элли килограмгача мўлжалланган. Ҳаммаси буюртмачининг хошияига боғлиқ. Пленкани ҳам корхона ишчилари замонавий ускуналарда синтетик гранулардан тайёрламоқда.

«Орузу пластик» ишчилари юқори унум билан меҳнат қилади. Чунки фирма уларга барча қулайликларни яратган. Фирма ишчиларига бепул иссиқ овқат беради. Сифатли ва сарҳил мева-чевалар ҳар кун бозордан харид қилинади.

Республика травматология ва ортопедия институтини негизда ташкил топган махсус спорт травматологияси маркази жамоасининг асосий йўналиши бу - спорт секцияларида шуғулланиб, турли даражадаги мусобақаларда қатнашиб жароҳатлар олган ва таъмиҳаракатланган орگانлари касалланганлари даволашдан иборат.

СУРАТДА: шифокор Тоҳир Искандаров бемор билан сўхбатлашмоқда. А.ПОПОВ олган сурат.

ЛОҚАЙДЛИК

Сир эмас, корхонада ишловчи ишчими ёки далада меҳнат қилаётган дехқонми, қонуний иш ҳақини талаб қилиб борса, мутасадди раҳбарлар иш ҳақлари тўловини ортга суриб келишлари, маблаг йўқлигини рўқач қилиш одат тусига кириб бормоқда.

Бағдод туман прокуратураси томонидан тумандаги мажбурият ширкат хўжаликларидеда дехқон ва хўжалик ўртасида тузилган мажбуриятларнинг бажарилиши, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг тўланишига оид қонунлар ижроси бўйича ўтказилган текширишларда айнан шундай рўқачлар баҳонасидаги бир қатор қонун бузилиш ҳолатлари аниқланди. Масалан, "Бағдод" ширкат хўжалиги оила пудрати асосида 40 нафар фуқароларга 29,5 гектар мева ели боғларини 1 йил муддатга ижара берилган. Боғларнинг 200 минг сўмдан ҳисобланиб, хўжалик газнасига 6 миллион сўм кириш бўлиши лозим эди. Бироқ айрим ижарачи фуқаролар шартномадаги ижросини таъминламадан ижара пулларини ўз вақтида тўлашмаган.

КОНУН ВА ИЖРО

Прокуратура аралашуви билан қарздор ижарачилардан 700 минг сўм ижара ҳақи ундирилди. Бу маблагнинг яримдан ортиғи ўтган пахта терими мавсумида қатнашган мактаб ўқувчиларига тўланмай қолган терим пуллари тарзида тарқатилган бўлса, 300 минг сўм 42 нафар 2 ёшгача болалар учун 1997 йилда бери нафақа олмай қолган оилаларга берилди. Чунотчи, Эркинкой Киргизова 1997 йилда туғилган фарзанди учун хўжалик томонидан 9814 сўм нафақа пулини ва бузилган ҳуқуқини тиклаб, нафақа пули прокуратура томонидан ундириб берилди.

Усмонхўжаев номли ширкат хўжалиги раҳбари ҳам худди юқорида келтирилгандек 34 нафар фуқароларга иш ҳақини бермасдан, "чўзма"дек чўзиб қолган. Ниҳоят, уларнинг 3 миллион сўм иш ҳақлари ўз загаларига етказилди.

Шунингдек, "Намуна", Охунбобоев, "Пахтакор", "Мирзабод", "Ўзбекистон", "Учуй", "Дўстлик" ширкат хўжаликларидеда қарздорлардан ижара ҳақлари ундирилиб, нафақа, пахта терими пули, ширкат аъзолари иш ҳақидан қарзлари тўланди.

Умуман, туманда 2003 йилда 436 гектар мевали боғлар 299 нафар фуқароларга бир йил муддатга ижарага берилган. Бундан ширкат хўжаликлари 77 миллион 400 минг сўм даромад олишарди лозим эди. Бироқ ширкат хўжалиги бошқаруларининг раҳбарлари ижара пулларини тўлиқ ундириш билан қизмаган. Шартнома ижросини бажаришни пайсалга солган 126 нафар ижарачилар моддий жавобгарликка тортилиб, улардан 11 миллион сўм ижара ҳақлари ундирилиб, иш ҳақи ва 2 ёшгача боласи бор оилаларнинг нафақасига йўналтирилди.

Толибқон ҲАСАНОВ, Бағдод туман прокуратури, адлия маслаҳатчиси.



(Боши 1-бетда) Ота-она дийдоридан, уйдан узок-да, бегона жойларда, зах хоналарда оғир шароитда яшаб, пахта терган бу болаларнинг аризи-додига шу вақтгача ҳеч қим қулқ тутмаган. Жўяли бир жавоб ҳам бермаган. Оқибатда иш ҳақини беролмаганларда ҳам, иш ҳақини беролмаганларда ҳам турли шубҳа ва гумонлар пайдо бўлган.

Ўқувчилар, ўқитувчилар бизнинг пуларимизни ўзлаштирган, деб ўйлашса, ўқитувчилар фермерлар гирромлик қилишарди, деган фикрда. Фермерлар бўлса бизларга банк пул беришни истамаётди дейди, банклар эса пахта тозалаш корхоналаридан гумондор.

Вилоятда бирор-бир масъул шахс теримчи ўқувчиларнинг пули нима учун ҳозиргача берилмаётганини аниқ изоҳлаб беролмайди.

Аслида ўтган йилги ҳам пахта пуллари теримчиларга ўз вақтида тўланиши керак эди. Чунки бу нарсани Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 29 августдаги "2002 йил пахта ҳосилини уош-қоклик билан йиғиштириш олиш чорат-дбирлари тўғрисида"ги қароридеда аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Ушбу қарор асосида терилган пахта учун ҳар беш кунда теримчилар билан ҳисоб-китоб қилиниб борилиши керак эди.

-Афсуски, - дейди "Тадбиркорбанк"нинг Мирзачўл тумани филиали бошқарувчиси Нурмухаммад Абдиев, - пахта тозалаш корхоналари ўз вақтида топирилган пахта учун фермерлар ҳисоб рақамига пул ўтказмаганлиги оқибатда биз уларга пул беролмадик. Фермерлар эса теримчиларга иш ҳақини тўлай олмадилар. Фермерларнинг ҳам фиғони фаллақка чиққан. Уларнинг ҳам қимларинингдир айби тўғрисида ўзгалар олдига боши оғиб.

-Шу вақтгача ўтган йилги пахта ҳосили учун Мирзачўл туманидаги "Иржар пахта тозалаш" акциядорлик жамияти, - дейди "Орол" дехқон-фермер хўжалиги бошлиғи Хамид Тўхтаоров, - 847000 сўмлик пулимизни бергани йўқ. Менинг эса тумандаги 11-мактаб ўқувчилари олдидеда юзим шувит. Чунки уларга терган пахталари учун 124132 сўм пул тўлашим керак. Меҳнат қилиб рохатини кўрмаган фақат бахмалик ўқувчилар эмас экан, Мирзачўл туманидаги Алишер Навоий номли 11-урта мактаб ўқувчилари ҳам ўзларининг терган пахталари учун 1 миллион 316 минг 408 сўмлик иш ҳақини ўз вақтида ололмаганлар.

жамияти, - дейди "Орол" дехқон-фермер хўжалиги бошлиғи Хамид Тўхтаоров, - 847000 сўмлик пулимизни бергани йўқ. Менинг эса тумандаги 11-мактаб ўқувчилари олдидеда юзим шувит. Чунки уларга терган пахталари учун 124132 сўм пул тўлашим керак.

Меҳнат қилиб рохатини кўрмаган фақат бахмалик ўқувчилар эмас экан, Мирзачўл туманидаги Алишер Навоий номли 11-урта мактаб ўқувчилари ҳам ўзларининг терган пахталари учун 1 миллион 316 минг 408 сўмлик иш ҳақини ўз вақтида ололмаганлар.

Вилоятда бирор-бир масъул шахс теримчи ўқувчиларнинг пули нима учун ҳозиргача берилмаётганини аниқ изоҳлаб беролмайди.

Аслида ўтган йилги ҳам пахта пуллари теримчиларга ўз вақтида тўланиши керак эди. Чунки бу нарсани Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 2002 йил 29 августдаги "2002 йил пахта ҳосилини уош-қоклик билан йиғиштириш олиш чорат-дбирлари тўғрисида"ги қароридеда аниқ қилиб белгилаб қўйилган. Ушбу қарор асосида терилган пахта учун ҳар беш кунда теримчилар билан ҳисоб-китоб қилиниб борилиши керак эди.

-Афсуски, - дейди "Тадбиркорбанк"нинг Мирзачўл тумани филиали бошқарувчиси Нурмухаммад Абдиев, - пахта тозалаш корхоналари ўз вақтида топирилган пахта учун фермерлар ҳисоб рақамига пул ўтказмаганлиги оқибатда биз уларга пул беролмадик. Фермерлар эса теримчиларга иш ҳақини тўлай олмадилар. Фермерларнинг ҳам фиғони фаллақка чиққан. Уларнинг ҳам қимларинингдир айби тўғрисида ўзгалар олдига боши оғиб.

-Шу вақтгача ўтган йилги пахта ҳосили учун Мирзачўл туманидаги "Иржар пахта тозалаш" акциядорлик жамияти, - дейди "Орол" дехқон-фермер хўжалиги бошлиғи Хамид Тўхтаоров, - 847000 сўмлик пулимизни бергани йўқ. Менинг эса тумандаги 11-мактаб ўқувчилари олдидеда юзим шувит. Чунки уларга терган пахталари учун 124132 сўм пул тўлашим керак.

Утган йилги жиззахлик пахтакорлар шартнома бўйича 250000 тонна пахта этиштиришлари керак эди. Ҳақиқатда эса 168367 тонна пахта тайёрланди. Теримчиларга эса 44016349 сўм берилиши керак эди. Пахта терими учун Молия вазирлигининг "Жамғарма"сидан жами 4187106 минг сўм маблаг келиб тушган.

Ҳозирги кунгача "Жамғарма"нинг "Жиззахпахтасаноат" бирлашмасига йил пахта терими учун амалга оширилган тўловлар ҳақидаги маълумотларга эътибор берилган.

Утган йилги жиззахлик пахтакорлар шартнома бўйича 250000 тонна пахта этиштиришлари керак эди. Ҳақиқатда эса 168367 тонна пахта тайёрланди. Теримчиларга эса 44016349 сўм берилиши керак эди. Пахта терими учун Молия вазирлигининг "Жамғарма"сидан жами 4187106 минг сўм маблаг келиб тушган.

Ҳозирги кунгача "Жамғарма"нинг "Жиззахпахтасаноат" бирлашмасига йил пахта терими учун амалга оширилган тўловлар ҳақидаги маълумотларга эътибор берилган.

Утган йилги жиззахлик пахтакорлар шартнома бўйича 250000 тонна пахта этиштиришлари керак эди. Ҳақиқатда эса 168367 тонна пахта тайёрланди. Теримчиларга эса 44016349 сўм берилиши керак эди. Пахта терими учун Молия

ЛАЛМИ ГАЛЛА УРУҒЧИЛИГИ:

МИҚДОР, СИФАТ, МУАММО

(Боши 1-бетда) Яқин йилларга асосан "Сурхак", "Кизил шарк", "Красный водопад" уруғларининг туман шароитига мослаштирилган навлари мавжуд эди. Бу уруғлар экилиб, улардан юқори ҳосил олинди...

Мамакатимизда бўлган каби Нуротада ҳам фермер хўжаликлари ривожига катта эътибор қаратиляпти. Бугунги кунда туманда 469 фермер хўжалигининг 339 нафари лалмикорга эга...

Дехқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакилликнинг бош ҳосилоти Асат Холмуродов шундай дейди:

"Катта овул" фермер хўжалиги раиси Намоз Ҳақимов ўтган йили кузда лалми галла уруғини ҳеч қаерда топа олмади. Охири Галлаоролдан 30 гектар ерга етadиган "Сурхон" нави уруғ келтириб, 2003 йилнинг феврал ойида экиди...



Беруний туманидаги "Мақсуд" оилавий фермер хўжалиги ташкил топганига қарий 9 йил бўляпти. Ҳозирга келиб хўжаликда 110 бош қорамол мавжуд. Шу кунгача бу ерда 45 тоннага яқин сўт тайёрланди.

СУРАТДА: фермер Мақсуд Йўлдошев келинларига йўл-йўриқлар берапти. Рўздат УТАМУРОДОВ олган сурат.

ШИРКАТ ВА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИККАТГА! КУНГАБОҚАР УРУҒИ СОТИЛАДИ

"Егмоштамакисаноат" уюшмасининг "МТ Инвест-Импэкс" фирмасида сотиш учун Ўзбекистон шароитига мослаштирилган 30 тонна Молдова Республикасида келтирилган Дурагай (Гибрид) кунгабоқар уруғлари мавжуд...

Мурожаат учун телефонлар: 152-52-84; 152-61-96; 55-39-16.

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР! "ЎЗБЕКБИРЛАШУВ" ВА ВИЛОЯТ "МАТАУБОТСАВАО"

акциядорлик компаниялари 2003 йилнинг 25 июлидан 10 сентябргача Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларнинг барча туманларида янги ўқув йили муносабати билан

"МАКТАБ БОЗОРЛАРИ"

ТАШКИЛ ЭТДИ

Сизлар ушбу "Мактаб бозорлари"дан ўқув қуроллари ва дарслик китоблари ҳамда 20 фоизгача арзонлаштирилган нархларда болалар кийим-кечақлари, пойфалларни ва бошқа саноат молларини харид қилишингиз мумкин.

МАКТАБ БОЗОРЛАРИГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Мурожаат учун телефонлар: 139-13-15, 139-10-93

ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ! "ЎЗБЕКСАВАО" АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ҳинд дийрининг ўзига хос маданияти, гузал табияти, санъат-севар халқи-ю бетакорр маталлари ҳақида эшитмаган одам топила керак. Бугун ушбу қардош дийр мустақиллигининг 56 йиллигини нишонламоқда.

Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи анчайин тeран. Захириддин Муҳаммад Бобур ва Бобурий шoҳлар давридаги бунёдкорликлар бунинг яққол мисоли бўла олади.

Бугун Ҳиндистон йирик саноатли давлатлардан бирига айланди. Ушбу мамлакат нафақат саноат, автомобил-саноат ва қишлоқ хўжалиги, балки фан ва технология, космос, ядро энергиясидан фойдаланиш, океанларни тадқиқ этиш, ахборот технологиялари соҳалари ривожига катта ютуқларга эришган мамлакат.

Кези келганда, Ҳиндистонда ривожланиб бораётган яна бир соҳа - биоинформатикада эришилаётган натижалар турғисида тўхталиш ўринли. Статистика, математика, ахборот технологиялари ва

Ўлкамизда кулолчилик санъати қадимдан ривож топиб келган. Кўпlab археологик қидирув ишлари ҳам бундан гувоҳлик беради.

ҚАДИМИЙ САНЪАТ АНЪАНАЛАРИ

Ақмал Икромов номидаги Ўзбекистон халқлари маданияти тарихи давлат музейида ташкил этилган кулолчилик аънаналарига бағишланган кўргазмада ушбу санъат тарихи ёрқин акс эттирилган. Ўзбекистон мустақиллигининг 12 йиллиги муносабати билан ташкил этилган мазкур кўргазмада IX асрдан ҳозиргача қадар яратилган 160 дан ортиқ кулолчилик асарлари намойиш қилинмоқда.

Хамдам ЭШОНҚУЛОВ, "Қишлоқ ҳаёти" мухбири.

биологиянинг ижодий қорилишувидан иборат бу соҳа соғлиқни сақлаш ва дори-дармон ишлаб чиқаришда жуда қўл келади. Бу моддалар таркиби, хусусият ва таъсирини аниқ таҳлил этиш имконини беради. Бошқача қилиб айтганда, Ҳиндистон - юқори техника ва технологияларни

ДЎСТОНА АЛОҚАЛАР РИВОЖЛАНАДИ

мукамал қўллай оладиган ишчи кучи ҳажми бўйича АҚШ ва Япониядан кейин учинчи ўринда турган давлат. Бу кўрсаткичларга истиқлол туфайли эришилмоқда. Шу боис Ҳиндистон истиқлолимини биринчилардан бўлиб тан олганини мамлакатимиз мустақил тараққиётига билдирилган қатъий ишонч рамзи дейиш мумкин.

Икки давлат алоқалари нафақат муассасалар даражасида, балки халқ дипломатияси имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда ривожланаётди. Истиклол меваси бўлиши "Ўзбекистон - Ҳиндистон" дўстлик жамияти ана шу эзгу мақсадга хизмат этила-

15 август - Ҳиндистон мустақиллиги кун

корликдир. Ўзбекистонда хорижий инвесторлар учун яратилаётган қўлай шарт-шароитлар, янгиликлар ва ислохот жараёнлари кўламини кенгайтиришга хизмат қилиши тайин. Шу маънода Ҳиндистонда ҳар кун катта тиражда чоп этиладиган "Ааж" ("Бугун") газетасининг Ўзбекистондаги мухбири Алок Шехар фаолият кўрсатаётгани алоқаларимиз мустаҳкамланишига ижобий таъсир этади.

Бу ҳамкасбимизни уч йилдан бери Тошкент халқаро радиоси ҳинд бўлимида ҳам ишлаб, эшиттиришлар қизқарилишига ўз хиссасини қўшапти... Бу бўлимга келадиган хатлар кўлами ҳам Ҳинд дийри ахлининг Ҳиндистонга қизиқиши ортаётидан далолат беради.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасидаги дўстона муносабатлар ривожини икки мамлакат мустақиллигининг самаралардан биридир.

Элбек ХОЛИКОВ, журналист.

ҲАМКОРЛИК

Татаристон республикаси бош вазир Рустам Минниханов бошчилигидаги вакиллар Тошкентда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги мутасаддилари ва юртишимиз ишбилармонлари билан учрашув ўтказди. Унда икки томонлама алоқаларни ривожлантириш, янги қўшма корхоналар сонини кўпайтириш хусусида сўз борди.

Татаристон республикаси билан мамлакатимиз ўртасида товар айрибошлаш ўтган йилда салкам 95 фоизгача ўсди. Жорий йилнинг биринчи чорағида эса, товар айрибошлаш ҳажми 4,5 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бугунги кунда Татаристон ҳудудида ўзбекистонлик сармоядорлар иштирокида бешта қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда. Маълумотларга қараганда, Татаристон Россия федерациясида қазиб чиқарилаётган нефтни 9 фоизини етказиб беради. Бу ерда автомобилсозлик ҳам тараққий этган бўлиб, Россияда ишлаб чиқарилаётган юк автомобилларининг 50 фоизи Татаристон хиссасига тўғри келади. "Қамаз" русумли автомобил-

ларга нафақат Ўзбекистонда, балки бутун дунёда талаб катта. Қозон шаҳрида тайёрланадиган вертолёт ва самолётлар ўзининг сифати ва узок муддат хизмат қилиши билан етатқи ўринларда туради. Тадбирда сўзга чиққан татаристонлик тадбиркорлар ва корхоналарнинг раҳбарлари Ўзбекистонда тадбиркорлик ва кичик ўрта бизнесни ривожлантириш борасида самарали ишлар олиб борилаётганлигини таъкидлаб ўтишди.

Ўзбек халқи билан ҳамкорлигимиз бугун яна бир поғонага кўтарилди, - деди Татаристон республикаси вазир Рустам Минниханов. - Икки мамлакат тилининг яқинлиги ва аънаналаримизнинг муштараклиги ўзаро дўстлик, қардошлиқ ришталарини яқинроқ боғлаб туради. Татаристон кўчаларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган автомобилларни, бу ерда эса Татаристоннинг юк машинаси ва вертолётларни қўриб хурсанд бўлидим. Мана сизга ҳамкорлигини яна бир самараси. Бугунги анжуманда биз янги ҳамкорлар ортирдик.

"Туркистон-пресс"

Дехқон ва фермер хўжаликлари соҳиблари, Сизлар учун!

ПУРКАГИЧЛАР КЕРАКМИ? МАРҲАМАТ!

Боғлар, сабзавот пайкаллари, узумзорлар, иссиқхоналар ва шахсий ҳовли-жойлардаги дов-дарахтлар ҳосилини турли зараркунанда ва ҳашаротлардан ишончли ҳимоя қилмоқчи бўлсангиз, енгил ва қўлай қилиб ишлаб чиқарилган пуркагичлардан фойдаланинг. Уларни дезинфекция қилишда ҳам ишлатиш мумкин. "Ўзқишлоқхўжаликмашҳолдинг" компанияси таркибидаги "Агрихим" Ўзбекистон-Италия қўшма корхонасида тайёрланаётган бундай пуркагичлар "Ўзстандарт" агентлиги томонидан сертификатлаб берилган ва улардан беш йилдан бери муваффақиятли фойдаланиб келиняпти. Қўшма корхона шу пуркагичларни тузатиб, таъмирлаб ҳам беради.

Манзил: Тошкент, С.Машҳадий кўчаси, 210-уй. Мўлжал шампань винолари заводи. Автобуслар: 16, 21, 30. Тел: (99871) 169-35-46, 169-49-33. Факс: 169-49-44.

2003 ЙИЛ 5 АВГУСТДАН 10 СЕНТЯБРГАЧА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган мактаб ёзув қуроллари ва кийим-кечақларни сотувчи бозорлар, ярмаркалар ва бўлимларнинг жойлашиши

Table with 3 columns: №, Ташкилотлар номи, Ярмаркалар сони, Турғун савдо дўконларидаги бўлимлар сони. Rows include 'Савдо' ҳудудий акциядорлик компаниялари, Қорақалпоқсавдо, Андижонсавдо, Бухоросавдо, Жиззахсавдо, Қашқадарёсавдо, Намангансавдо, Навоийсавдо, Самарқандсавдо, Сирдарёсавдо, Термизвилоятсавдо, Тошкентвилоятсавдо, Фарғонасавдо, Хоразмсавдо, Тошкент шаҳар ҳокимияти савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш департаменти.

Ушбу мактаб бозорларида ўқув-ёзув қуролларидан - ўқувчилар дафтари, умумий дафтарлар, кундалиқлар, расм дафтари, оддий ва рангли қаламлар, акварель бўёқлар, портфеллар мавжуд.

Мурожаат учун телефонлар: 139-13-15, 139-10-93

ЯРМАРКАЛАРГА МАРҲАМАТ! "ЎЗБЕКСАВАО" АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

ЕТИ ИҚЛИМДАН БИР ШИНГИЛ

ДИНОЗАВР ҚОЛДИҚЛАРИ ТОПИЛДИ

Ҳиндистонлик ва америкалик олимлар кунги кеча Ҳиндистон ҳудудида олиб борилаётган археологик тадқиқотлар пайтида шу пайтгача фан учун номаълум бўлган динозавр қолдиқларини топишди, дея хабар қилади "Ассошиэтед Пресс".

Мазкур топилма олимлар томонидан қазилма ишлари олиб борилган ҳудуддаги Нармада дарёси шароитида "Rajasaurs nagmaderis" деб номланди. Динозаврнинг узунлиги тумшугидан думигача 7-9 метрни ташкил этган. Олимларнинг фикрича, динозаврнинг вази ҳам анча оғир бўлган ва у икки оёқда ҳаракатланган. Rajasaurs nagmaderis бўйини узун ўтхўр динозаврлар билан озиқланган ва динозавр эрасининг сўнгги даврида, бундан 65 миллион йил илгари қирилиб кетган. Ун саккиз йилдан бунён Ҳиндистон палеонтологлари мамлакат ҳудудидан қўлаб динозавр қолдиқларини топишмоқда. Мазкур топилмалар Ҳиндистон замини бир пайтлар Африка, Мадагаскар ва Антарктида билан туташ бўлганини тасдиқлайди. Чикаго университетини вакили Пол Серенонинг айтишича, динозаврлар ер орасидаги қуруқлик қитъаларга бўлилмаган пайтда яшашган, ривожланишган ва ҳалокатга учрашган.

ЯНА "ТОЛИБОН"МИ?

BBC тарқатган хабарларга кўра, Афғонистоннинг Халмаңд вилоятида микроватчибу портлаш оқибатида 17 киши ҳалок бўлди, уч киши эса турли даражадаги тан жароҳатларга олишди.

Расмий маълумотларга қараганда, портлатиш қурилмаси машинанинг ички қисмига ўрнатилган. Халок бўлганларнинг саккиз нафари ёш болалар, саккиз нафари эркаклар, биттаси эса аёл киши бўлган. Маҳаллий ҳукумат вакиллари мазкур террор актида мамлакатнинг турли ҳудудларида яшириниб турган "Толибон" гуруҳи жангариларининг қўли борлигини таҳмин қилишмоқда, дея хабар беради Австралиянинг ABC телекомпанияси.

ШИМОЛИЙ КОРЕЯ МУЗОКАРАЛАРГА ҲОЗИРМИ?

Расмий Пхеньян ўтган чоршанба кунги АҚШ ҳукумати олдида янги талаб қўйди. Шимолий Корея ташқи ишлар вазирлигидан маълум қилинишича, Вашингтон ҳужум қилмаслик ва дипломатик алоқаларни йўлга қўйиш ҳақидаги пакта имзо чекмас экан, КХДР ҳукумати ядро қуролларини сақлаб туришда давом этaveraди. Шунингдек, ташқи сийосат маҳкамаси вакиллари мамлакат ҳудудидаги ядровий объектларда текширув ишларини олиб боришга ҳам имкон беришмаяпти. КХДР ТИВ вакили АҚШ томони яқин кунларда бўлиб ўтадиган икки томонлама музокарада Пхеньянга хавфсизликнинг ёзма қафолатини бериши ҳақида маълумот берди. Шунингдек, агар Шимолий Корея биринчи навбатда ўзининг "ўзар сийосати"га чек қўйса, ушбу мамлакатга кенг қўламли ёрдам берилиши ҳам ваъда қилинган. Корей дипломатларидан бирининг таъкидлашича, бундай баландпарвоз ваъдалар расмий Пхеньяни қаноатлантирмайди.

МОСКВАДА "ЮЛДУЗЛАР ЁМФИРИ"

Россиянинг Звеногород расадхонаси олимлари яқин кунларда Москва атрофида "юлдузлар ёмғири" кузатилишини билдирмоқдалар. "Осонга диққат бериол тикилиб турган ҳар қандай одам ҳар дақиқада метеор "сайри"ни кузатиши мумкин.

Бир дақиқа мобайнида бир неча метеоритлар бир-бирини қувиб ўтиши мумкин, - деди расадхона мудири Наил Бахтигараев. Август ойидаги "юлдуз ёмғири" минг йиллардан бери инсоният томонидан кузатилиб келинмоқда. Илмий тилда бу ҳодиса "Персеид метеор тўлкини" деб аталади. Метеорлар сариқ ва оқ рангда шуъла таратганча, ўзларидан думли кометага ўхшаш из қолдириб кўздан ғойиб бўлишади. Звеногород расадхонасида "метеорлар тошқини" илмий мақсадларда ўрганилади. Телескопга ўрнатилган телекамералар юлдузлар "пойғаси"ни тезкорлик билан тасмага туширади. Ушбу тасвирлар орқали фалакитшунослар кишиларни хавф-хатардан илгаридан огоҳ этадилар. Чунки, коинотга сочилиб кетадиган ҳар бир метеор парчасининг диаметри бир неча метрга етади. Агар улар ер сатҳига тушса катта кўнгилсизликлар ҳам сабаб бўлиши мумкин, дейди РФА астрономия институти илмий ходими Дмитрий Вибе.

ИТЛАР УЧУН ПЛЯЖ

Италияда бу йил ёзнинг ҳар йилгидан юқорироқ ҳароратда кечаётгани факат одамларга эмас, жониворларга ҳам азият бермоқда. Шу боис мамлакатда итлар учун ҳам махсус пляж очилди.

Унинг номи ҳам қизик - Нав-Нав. Тўрт оёқли "дўстларимиз" бу ерда денгизда чўмилишлари, қуёшда тобланишлари ва кум устида мириқиб ўйнашлари мумкин. Чўмилишдан кейин итлар учун махсус соничқалар берилади. Ресторанлардан эса оддий салат ва ичимликлардан ташқари итларга мўлжалланган махсус емишларни ҳам сотиб олиш мумкин. Ҳозирча бу Италияда уй ҳайвонларини олиб кириш мумкин бўлган ягона пляж.

Сиз ўзингиз билан олиб келган итингиз учун ортиқча харажатга тушмайсиз. Факат ветеринардан маълумотнома олиб келсангиз бўлгани.

ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.

Боши 1-бетда

Хуллас, тегиримонни излаб топдик. Эскида Яхудиёлар жамоа хўжалиги деб аталадиган, Кармана қўлқонча йўлининг шундайгина кўнчиқар қисмида йўлдан у қадар олис бўлмаган жойда экан, қишлоқ одамлари ҳар қалай инсоф-диёнати кишилар эмасми, бугунги туширишимизга тегиримоннинг пастак биноси ичига олиб киришимизгача ёрдам беришиди. Кармана шаҳри яқинидаги Қавалатена қишлоғидан келганимизни эшитган, шундайгина тегиримон кўнчидаги тоғлар сонида давра қуриб ўтирган тўрт-беш чوғли мўйсифидлар ёнларига чақириб ўтиришга жой кўрсатишди. Салом аликдан сўнг бошланган гурунгимиз Зарафшон дарёси янги ўзани устига қурилажак кўприк ҳақида кетди. Гап орасида мен укам билан қўрганларимни, то ўтиб олгунча еган азобларимизни ҳам пала-партиш гапириб бердим. Гап бориб ўтишга тақалди.

Ҳазратлари ўз вақтида дарё устига кўприк қуришда жуда катта хизмат кўрсатган эканлар. Қишнинг ёзин шарқираб оқадиган, баҳор палласида тошиб икки соҳилни ямлаб ютадиган сувни саришта-лаб ўтказса оладиган кўприкни қуриш осон эмас-да. Ҳазрат бо-

злга, дилдан-дилга ҳам кўприк соғалар, д-дея сўхбатни давом эттириб қарама-қарши томонда ўтирган отахон.

Косим Шайх Ҳазратлари айна баҳор палласида бандаликни баҳо келтирган эканлар. Фоний дунёни тарк этиш олдидан барча хештаборлари, шоғирду мурдиларига хабар қилиб қақиртирган эканлар, кўнчиларни тортиб чақирган кишиларнинг ҳар бирига

# КАРМАНАДАГИ КАРОМАТ

бомиз Бухоро ҳукмдорини қўндириб Карманау Нурота келарининг бошини қовуштириб, ана ўша кўприкни бунёд этиш ишларига бош-қош бўлган эканлар, д-дея гап бошлади юқори томонда чордана қуриб ўтирган чол янги кўприк томонга ишора қилиб.

Энг охирида ўзлари ёруғ дунё билан хайрлашишларини маълум қилиб, албатта ўша Карманадаги (ҳозирги Қосим Шайх қабристон мазоротида) қўйишларини ваъсият қилибдилар. Бу гапни эшитган шоғирдлари ва хеш таборлари лаб тишлаб қолдибдилар.

Энг охирида ўзлари ёруғ дунё билан хайрлашишларини маълум қилиб, албатта ўша Карманадаги (ҳозирги Қосим Шайх қабристон мазоротида) қўйишларини ваъсият қилибдилар. Бу гапни эшитган шоғирдлари ва хеш таборлари лаб тишлаб қолдибдилар.

# “ОҒЗИНГДАН БУЗИЛМАГУР”

Боши 1-бетда

Лазокат холамнинг фамилияси Раззоқова эканини ўшанда билдим. Ширин сўхбатимизга “нуқта қўйган” Мираҳмад ака кампирнинг ёлғиз ўғли, у боғ тўридаги уйда оиласи билан яшар, онасининг рўзгорини аяриб қўйганди. Эшитишимча, у вокзалда юк ташир, вагон кўпроқ келиб, тушу юкхўр бўлган кунлари тўйиб ичаркан. “Раззоқова”ни “йўқлаб” бақир-чақир билан қириб келганга, онасини ҳақоратга қўйиб ташлаганига кўп бор гувоҳ бўлганман. Лазокат холам тегиримон тоши эди, ўғли билан ади-бади қилганини кўрганман йўқ. Жуда жонидан ўтганда:

“Оғзингдан бузилмагур, - деб кўярди. Бир гал уйга мўшмон келди. Ғушт-ёғ, мева-чева, нон - ҳамма нарсани бекам-кеч олганман. Лазокат холам парвона бўлиб дастурхон ёзди.

“Мехмон - атойи Худо. Иншооллох, яқинда шу боламни уйга нур кириб қолади. Сен қимирламай ўтиравер, мен ўзим... Жонсарақ кампир бир зумда ҳамма нарсани мухайй қилди. Қозонга жазиллатиб тўштин босган маҳали девор ортидан “Раззоқова” деган дағдаға эшитилди:

“Кўрингиз тўйиб, ана бировағ тўш қовуриб берадиган бўп қолдингизми, Раззоқова? Ғушт ёғча фалон... “Оғзингдан бузилмагур, мўнчаём кўп ичмасанг-а!...“Ховлининг дарвозасини янғиланди, деворлар оқланди, эшик-даразаларга буюёқ сурдим. Опаляриг серкятнов, Лазокат холам кўрпа-тўшак қавиған. Гандирақлаган Мираҳмад ака қўнчининг ўрта-сидаги ғўзапоғга гугурт чақди, катта опам келинини машинадан тушириб олди.

“Ургилиб кетай, хуш келсиз, қизим, - келинин бағрига босди Лазокат хола ва унинг бошидаги рўмол устига яна битта оппоқ лунги ташлади. Мираҳмад ака чайқалай вақсади:

“Мам-машкада бисот во-о, - у ўнг қўлини мушт қилиб, бош-молдоғини ҳавога ниқтади. - Хали яна битта етимни уйлантирсаям, битта или кам бўлмайди. Лоқигин бизга қолганда жа-а пишшиқ, ҳа-а, Раззоқова, ём-монсиз... “Оғзингдан бузилмагур-ей, ичкилик деса ўзини томдан ташлайди-да.

“Фарзанд кўрдим, тўй қилдим, уйли-жойли бўлдим. Эр-хотин нимадан оғринсан, Лазокат холам бағрига малҳам эди. Уси ўтган кўнимиз кун эмасди, гўё. Ғурин нурга тўлғур ёши саксонлардан ошганда кўрпа-тўшакка мўқкасанин йиқилди.

“Алқисса, ноқобил ўғил ўлим оstonасида турган онани ҳам “оғзингдан бузилмагур” дейишга мажбур қилди... “Икки ҳовли хувиллаб қолди. Мендан фарзандлик Лазокат холамга буюрган экан, қабргаям ўзим қўйдим. Учинчи куни энг семиз кўчқоримни олиб чиқиб Лазокат холамнинг маърақасини ўтказдим, “онамлаб” йиғландим.

“Орадан йиллар ўтди. Мираҳмад ака ҳам қариб-қартайди, ёши етмишдан ошганда ичкиликдан қутулди. Уша пайларни мен вилоятда ишлардим, уйдан эрта кетиб, кеч қайтаман. “Мираҳмад аканинг мазаси йўқ, бирров қариб кетинг, - деб қолди хотиним.

“Тўғриси, Мираҳмад акани мўтлоқ жиним суймасди. Раҳматли Лазокат холамнинг ҳурматидангина оз хотир қилиб номига саломлик қилардим. Бечора чиндан ҳам танг аҳволда экан. Мени кўриб хўн-хўн йиғлади.

“Нега илгаридоқ айттирмадингиз? Бегона эмасмиз-ку, дўхтир юборардим, дори-дармон олдираддим. Лазокат холам менга ҳам оналик қилганлар, ахир. Раҳматли ўқраб юборди, нуқул бош қақайди, ҳар замон пешонасига шанаплатил қўйди. Бечора чўқур хўрсиниб олди-да, оҳиста имлади. Мен сал яқинлашган, оғзини зўғра очди. Юрагим орқага тортиб кетди, у менга кўрсатган нарсга оғиз эмас, кўркинчи бир яра эди. Тўқилиб битган ташларининг милки қорамтир гўштага айланган, тилига, лабиниң ички тарафига гўрч терилганга ўхшарди. Қулоқларим остида Лазокат холамнинг “дуо”си жаранглади: “оғзингдан бузилмагур”. Мираҳмад акага қаттиқ ачиниб, у-бу деган бўлдим, сўзсиз йиғлаб қолди. Раҳматли икки кундан сўнг вафот этди. Хали-хали хайрон қоламан, наҳот онанинг “оғзингдан бузилмагур” дегани шунчалар ижобат бўлса! Лазокат холам ўша кезлари “оғзингдан бузилгур” деб юборганда не бўлар экан-а?”

БУ АЖИБ ДУНЁ

## ЭШАК МИНГАНМИСИЗ?

Жониворлар орасида эшак меҳнаткаш ва беозори - эшак бўлса керак! У от сингари инсонга жуда яқин жонивор ҳисобланади.

Баъзи қишлоқ одамларининг, айниқса, болакайларнинг “беминнат улов”и бўлган эшак от юришга қийналадиган сўқмоқлардан ҳам бемалол кетаверади. Тим қоронғида ҳам эшак устига оғир юки ортиб юборсангиз бас, ўзи уйингизни топиб келаверади. Эшак минган болалар жуда соғлом, бақувват бўладилар. Чамаси, болани ҳар томонлама чиниктиришда, уни турли касалликлардан асрашда эшак организмидега қандайдир ҳислат-у хусусиятлар бўлса ажабмас.

Айрим касалликларни даволашда қадимдан эшаклардан фойдаланадилар. Масалан, “эшақ-эки” касалига қалинган одам чопон кийиб, унгарига бир ховуч арпа соланча эшақка егизса бас, тезда шифо топиб кетаверади.

Толмас ТОШБЕК

# SPORT OLAMIDA

## БОЛАЖОНЛАР ҚУВОНЧИ ЧЕКСИЗ

Фаргона вилоятидаги махсус футбол интернат-лицейи маъмурияти томонидан ибратли ишлар амалга оширилди. Аввало, бўлажак спортчилар янги спорт жиҳозлари, футбол тўллари, спорт кийим-кечақлари билан таъминланганлигини таъкидлаш жоиз. Дарвоқе, замон талабига жавоб берувчи уйингоҳда (ювниш, кийиниш, дам олиш хоналари маъжуд) тез-тез спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, кўл тўпи, шохмат, шашка турлари бўйича мусобақалар уюштирилди.

## МУСОБАҚАЛАР БОШЛАНДИ

Пойтахтимиздаги “Жар” спорт мажмуида хорижий кик-боксинг бўйича Осей очик чемпионати старт олди. Шуниси эътиборлики, нуфузли турнирда китъамизнинг 10 дан ортик мамлакатидан 100 нафардан зиёд спортчилар голиблик учун кураш олиб боришди. Чемпионатда иштирок этадиган 18 ва ундан катта ёшдаги кик-боксинг усталари 13 та вазн тоифалари бўйича қитъа чемпионлиги учун ўзаро бахшлашадилар.

## КУН ТАРТИБИДА - ШОҲМОТ РАВНАҚИ

Ўзбекистон Давлат Жисмоний тарбия ва спорт қўмитасида мамлакат шохмат федерациясининг навбатдан ташқари йилгилиги бўлиб ўтди.

Унда иштирок этган спорт мутасаддилари ва мутахассислар истиқбол шарофати тўғрисида шохмат ривожига катта эътибор қаратилаётганлиги, бунинг натижаси Улароқ, 1992, 1996, 2000 йиллардаги Олимпиада уйинларида Ўзбекистон терма жамоаси “Энг иноқ жамоа” номинацияси бўйича жаҳон давлатлари орасида етакчилик қилганлигини, Халқаро гротмейстер Рустам Қосимжонов ва унинг издошлари Антон Филиппов, Юлда Хамроқуллова, Саидали Йўлдошевлар халқаро турнирларда муваффақиятли иштирок этишганлиги таъкидланди.

## ПАСТДАРГОМЛИКЛАР - СПАРТАКИАДА ФОЛИБИ

Самарқанд кооператив-тижорат коллежининг спорт мажмуи икки кун мобайнида одамлар билан гавжум бўлди.

Чунки бу ерда вилоят кичик, ўрта бизнес, матлубот кооперация, савдо ходимлари ва хусусий тадбиркорлар касба уюшма ходимлари ўртасида спартакиада мусобақалари ўтказилди. Пастдаргом, Жомбой, Тойлоқ, Ургут, Оқдарё, Самарқанд туманларидан ташриф буюрган 87 нафар спортчилар энгил атлетика, стол тенниси, волейбол (аёллар), тош кўтариш, стритбол (эркаклар) бўйича уюштирилган беллашуларда голиблик учун ўзаро кураш олиб боришди. Шуниси қувончлики, спартакиадада оилавий жамоалар турнирлари ҳам ўтказилди. Қизилқарли ўтган баҳсларнинг ақуний натижаларига кўра биринчи ўринни 36 оқ билан Пастдаргом тумани спортчилари эгаллашди. Жомбой ва Тойлоқ тумани жамоасига эса иккинчи ўринлар насиб этди.

## ЁШЛАР ДОНА СУРИШДИ

“Ақл гимнастикаси” бўлими шохмотининг ёшлар орасида тобора оммалашиб бораётгани кишини қувонтиради.

Табиатнинг сўлим маскани Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида 12 нафар ёш ўғил-қизлар иштироклада шохмат мусобақаси уюштирилди. Қизилқарли ва чиройли комбинацияларга бой кечган турнир якунида голибликни ўғил болалар ўртасида Галлаорол туманидаги 30-мактаб ўқувчиси Абдуҳамид Мамарасуллов, қизлар ўртасида эса вилоят марказида жойлашган 19-мактаб ўқувчиси Саодат Эргашевалар қўлга киритишди. Фолибларга Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳамда “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати таъсис этган асдалик совғалари тўғрфа этилди.

Имомали УЛҒАТОВ таъйёрлади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан 2003 йил март ойида Жанубий Корея фуқароси Йон Хифен номига берилган, Ўзбекистонда ишлаш ва яшаш ҳуқуқи қайд этилган № 1861 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерьянний гос.ордер № 08-02/6105 от 4.01.93 г. права собственности Файзиевой Дилорам Шариповны на квартиру, считать недействительным.

Тошкент вилояти Зағнота тумани Давлат солиқ инспекциясидан солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган, ҳозирги кунда Тошкент вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарорлига асосан банкрот деб эътироф этилган: 1. “Хуан-Цао-Дружба” қўшма корхонаси; 2. “Тадбиркор-Сервис” ХИЧТК корхоналарининг бурчак тамға ва юмалоқ муҳрлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар Миробод туманидаги 20-ПТУ томонидан 21 июн 1990 йилда Уразов Рахим Абдирашадовичга берилган Б № 208324 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Усабзавотнавуруғлари” уюшмаси жамоаси Фаргона вилояти Ўзбекистон туманидаги “Сохибкор” ширкат хўжалиги раиси Илҳомжон Расуллова волидаи муҳтарамаси, Меҳнат Қахрамони

Ойшахон Йўлдошеванинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТ

# АМИР СУРАТИ ВАТАНИГА ҚАЙТДИ

Нидерландия қироллигининг Россиядаги элчихонаси ходими Тимен Коувенар Бухоро давлат музей-қўриқхонасига Бухоронинг сўнги амири Саид Олимхоннинг рангли суратини топширди.

Музей бош директори Роберт Алмеев бу ҳақда “Туркистон-пресс” муҳбирига қуйидагиларни гапириб берди: - Булар Бухоро амирининг қилич таққан, байрамона либосидаги ва унинг калитдорининг Когон шаҳридаги амир саройи олдидега тушган суратларидир. Ушбу ҳадянинг қиммати жуда катта, чунки шу пайтга қадар музейимизда Амир Олимхоннинг фақат оқ-қора суратлари мавжуд эди.

Эндиликда Саид Олимхон ўз уйи-Арқка қайтди, у музейнинг тарих бўлимида ўз тахти ёнида ҳарбий мундирда, байрам либосида турибди.

“Туркистон-пресс”



“Туркистон-пресс”

Таълим соҳасида хорижий тажрибалар билан танишиш, олиб борилаётган ислохларга ижобий таъсир кўрсатиши аниқ. Шу маънода Қорақалпоғистон Республикаси, Бериуний туман қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежи директори Махсуд Сапоевнинг Японияга қилган сафаридан мақсад ҳам шу эди. Япония халқаро банкнинг имтиёзли кредит асосида “Урша махсус, касб-хўнар таълимини ривожлантириш лойиҳаси” ва УНИКО ҳамкорлигида Ватанимиздан 23 кишилик гуруҳ қўнчиқар давлатга ташриф буюрди.

-Биз етти гуруҳга бўлиниб, ўз соҳамизга тааллуқли ташкилотларга юборилди. Камачани шаҳридаги “Экологик тоза махсулот ишлаб чиқариш маркази”га борган гуруҳимизни тупроқ таҳлили лабораторияси айнақса қизиктириб қўйди. Чунки марказда Япониянинг турли бурчакларидан экин майдонлари тупроқлари таркиби синчиклаб текширилган экан. Кизиги шундаки, фермерлар махсулотини тўғри бозорга олиб бориб сотавермас, со-тиш учун сертификацияланган тоза махсулот бўлиши керак экан. Агар, лаборатория текширишлари пайтида бирон махсулот таркибида қимёвий дровир моддалар, нитратлар топила-са, махсулот бозорга чиқари-лмайди. Экологик тоза махсулот сотадиган фермерларнинг моллари анча қим-мат бўлса-да, харидорлар норози эмас. Негаки, улар-нинг саломатлиги қафолат-ланган бўлади, - дея таас-суротларини ўртоқлашди Махсуд ака.

-Марказнинг иш фаолияти яна нималардан иборат? -Марказда асосан тупроқ таркиби таҳлил қилинганча, ҳар бир фермерга унинг дал-лас таркибида қанча фос-фор, қалый, мағний, РНҚ моддалари борлиги тўғри-сида маълумотлар берилади. Демак, фермерлар ўзи ишлаётган ернинг ҳал аҳволдалигини билиб олар ва шунга қараб иш тутушар-

кин. Махсулотни кооперативлар орқали сотишди. Экологик тоза махсулот та-лаб шу даражада каттаки, ресторан ва магазинларда фермер махсулотни учун навбатда туришди.

-Сафар давомида яна қайси тадбиркорлар фаолияти билан танишдингиз? -Профессор Хаяши биз-

кил қилинган экан. Коллеж-ники Японияда нуфузли юқори бўлиб, биотехнология ишлаб чиқариш таксимо-ти, озик-овқат технологияси, машийд хизмат факультети-лари бўлиб, 600 нафар тала-бага эга бу билимгоҳда амали-ёт машғулотлари жуда яхши йўлга қўйилган. Биз иштирок этган ана шундай машғулотлардан бирида, ан-дриҳе хўжалиги бўлиб, мар-дарин, гул ўстириш, саба-зот етиштирадиган иссиқ-хоналарини кўриб, ҳайратлан-дик.

-Япония таълим тизми-мида қайси жиҳатларни ўзимизда жорий қилиш мумкин деб ўйлайсиз? -Энг муҳими, япон таълим тизими, бевосита ҳаёт, тур-муш билан чамбарчас боғ-лиқ. Талаба фақат назарий билим-лар доира-сида қолиб кетмайди, балки ўқув ишлаб чиқариш жараё-нларида бе-восита иш-тирок этади. Яъни, коллеж-лар қошида ўқув ишлаб чиқариш хўжаликлари бор. Талаба олган назарий били-мини амалиётда синаб қура-ди. Талабаларни экин фикр-лаш кўникмаси шаклланти-рилган. Коллежининг ўқув хўжаликлари эса ҳаёт ҳақидаги таълимининг бера-ди, шунингдек, амалий ма-шғулотлар талабаларни му-стақил фикрлашга, режали пухта иш қилишга ва ўз ол-дига қўйган мақсадларга эри-шиш йўллариини ўргатади. Яқуний билим-тажриба олиш орқали муайян бойликка, моддий фаровонликка эри-шиш асосий мақсаддир.

Ҳа, Махсуд Сапоев Япония таълим тизимини бевосита ўрганиб, ўз тажрибаларини Бериуний қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежида қўллаш ҳаракатида. Биз унинг ишларига бу борада омад тилаб қоламиз.

Умид БЕКМУХАММАД, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.

# ТАЪЛИМ ҲАЁТДАН УЗИЛМАСИН

йи шולי ишлаб чиқариш бўйича фермер, айна пайта-да вино заводи директори Қураки Сенсейнинг фаоли-яти билан таништирдим. Жа-ноб Сенсейнинг айтишича, унинг вино заводи ташкил топганига 20 йил бўлибди. Мазкур заводи олдин ота-си бошқарган. У завод та-рақиқети ҳақида гапирга тур-иб, дабурустан “отам рек-ламани тўғри йўлга қўя ол-магани учун заводни банк-ротта олиб келди”, деган га-пини айтиб қолди. Ишга сид-қидилдан ёндашиш, давлат-ни ёхуд бошқаларни алда-маслик, тўғрисиқўли улар-нинг ҳаёти мазмунига ай-ланганини ана шундан ҳам билиш мумкин.

-Қўнчиқар юрдаги коллежлар фаолияти билан ҳам танишдингизми? -Ҳа, Миязакки қишлоқ хўжалиги коллежи билан танишдик. Коллеж дирек-тори Қунити Саннинг айтиши-ча, коллеж 1893 йилда таш-

тирок этади. Яъни, коллеж-лар қошида ўқув ишлаб чиқариш хўжаликлари бор. Талаба олган назарий били-мини амалиётда синаб қура-ди. Талабаларни экин фикр-лаш кўникмаси шаклланти-рилган. Коллежининг ўқув хўжаликлари эса ҳаёт ҳақидаги таълимининг бера-ди, шунингдек, амалий ма-шғулотлар талабаларни му-стақил фикрлашга, режали пухта иш қилишга ва ўз ол-дига қўйган мақсадларга эри-шиш йўллариини ўргатади. Яқуний билим-тажриба олиш орқали муайян бойликка, моддий фаровонликка эри-шиш асосий мақсаддир.

Ҳа, Махсуд Сапоев Япония таълим тизимини бевосита ўрганиб, ўз тажрибаларини Бериуний қишлоқ хўжалиги касб-хўнар коллежида қўллаш ҳаракатида. Биз унинг ишларига бу борада омад тилаб қоламиз.

Умид БЕКМУХАММАД, “Қишлоқ ҳаёти” муҳбири.



А.ХАКИМОВ чизган расмлар.

Бош муҳаррир ўткир РАҲМАТ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АХМАД, Аяғат АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Рафур ШЕРМУХАММАД (масъул котиб), Озод ШАРОФИДДИНОВ. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агротехнология комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона - 136-58-83. Бош муҳаррир ўринбосарлари - 133-16-27, 133-44-43. Котибият - 136-56-30. Ижодий гуруҳлар - 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. Факс - 133-09-93, 133-40-87. ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-322-25; Жиззах - 8-372-22-648-72; Намойи - 8-436-22-588-56; Наманган - 8-369-43-311-81; Фаргона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-233-00-52; Сурхондарё - 8-378-46-526-61; Сирдарё - 8-367-225-41-73; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65. Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмачи жуортмачи Навбатчи: Д.ҚИРҒИЗБОВ

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета сешанба, жума кунлари чиқади. Бюртма Г-721, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қозғ бичими А-2. Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: 21.00. Адади 16 114. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди. “Шарқ” нарийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюқ Турон” кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6